

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, ўзбекона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажрата оладиган халқмиз.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 36 (896) • 2012-yil, 1-sentabr, shanba

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун биз мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йиғирма бир йиллигини нишонламоқдамиз.

Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, орзикиб кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолнингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзалигимизни англаш, инсоний шаънимизни, кадр-қимматимизни, ўз юртимизга эғалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуг айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

Қадрли юртдошларим!
Ўз-ўзидан аёнки, кишилиқ тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йиғирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Биз эски мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафкурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилганимизни яққол намоён этмоқдамиз.

Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа — замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ва чехраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Қўпчиликини хайратда қолдираётган бундай ҳақиқатни тасдиқлаб берадиган қўпгина рақам ва маълумотларни келтириш қийин эмас.

Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолиимизнинг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайгани, ёқилги ва фалла мустақиллигига, ўзимизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси аввало мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципни ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2

баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айтиш шунда мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижаси деб қабул қиламиз.

Бундан йиғирма бир йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобил мавжуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намоён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта ташвишга солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охириг етти йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг яққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни равақ топтириш йўлида эришган марраларимизни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатгина ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўяётган айна шундай ўткир талабларни инобатга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг устувор вазифамиз — бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жаҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янги босқичга қўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда қўлдан бўён давом этаётган низо ва қарма-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо оғох, доимо хушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, ҳавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо берад эканмиз, биз эришган ютуқ ва марраларни қўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синов, тўсиқ ва ғовларни енгишда турли ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, ўз

эътиқодидан қайтмасдан келгани, аввало ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонати ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга, бизни яна эски қолип ва тобеликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англаб олиши керак. Бугун биз кечаги — 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий тахрибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, ўзбекона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажрата оладиган халқмиз.

Бизнинг халқимиз, аввало, йиғирма бир йил давомида вояга етган, мустақил фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авлодимиз порлоқ келажагимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлдан ҳеч қачон — мен тақдор айтмаман — ҳеч қачон ортага қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқаддам бўлиб, узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида юртимизда қулай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгайтириш, бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш — буларнинг барчаси доимо диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда ҳам бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқро ташкилотларнинг вакиллари, барча меҳмонларимизга бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам қўраётганлари учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Бугунги шукуҳли дамларда бизнинг таъинимиз ва суянчимиз, умидимиз бўлмиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унутманг:

Сиз кимнинг, қандай улуг зотларнинг авлодисиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз!

Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз қудратига суяниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабангиз — юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, сизларга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказган, эзгу ишларимизда Ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиамиз.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Алишер Навоий нөмидаги Ўзбекистон
Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 21 йиллигига
бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Давоми 2-бетда ➤

Аждодлар хотираси мангу барҳаёт

Мустақиллик шарофати билан миллатимиз, халқимиз шаъни, кадр-қиммати, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатағон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савобли ва хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давоми 3-бетда ➤

Инсон соғлиғи — устувор вазифа

тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган
ислохотлар ана шу эзгу мақсадга қаратилган



Истиқлол ва истиқбол

Табобат илмининг султони, буюк аждодимиз Ибн Сино агар чанг ва ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшар эди, деган хулосага келган экан. Бо-бокалонимизнинг бу қанотли

ибораси атроф-муҳитни асраб-авайлаш, одамларни соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва ҳаётдан завқланиб, роҳатланиб яшашга даъват этади.

Давоми 5-бетда ➤

Истиқлол шукуҳи

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН,
ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Давом. Бош 1-бетда

Халқимиз Ватанимиз давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигини катта кўтариш билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди. Жорий йилда энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» деган эзгу гоя асосида нишонланмоқда.

2012 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан гўзал, шукуҳли, салобатли. Миллий боғ, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона либосда. Улар юртимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги, эркин ва обод Ватанимизнинг шарафлиқлигини ҳамда Мустақкам оила йўлига бағишланган бадий паннолар билан безатилган. Давлатимизнинг мағрур ҳил-пираётган байроғи ранго-ранг чироқлар ёғдусига безанган ям-яшил арчалар, мажнунотлар билан уйғунлашиб атмосфера ажиб тароват тарафати, дилларга масрурлик бахш этади. Қўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шуълаланаётган рамзий миноралар салобат тўкиб турган муаззам майдон томон ошади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қарамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илгори, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчионалари, халқаро ташкилотлар ваколатоналари вакиллари ташриф буюрган.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг иллий гўмбазларидан нур ёғилиб турган маҳаббатли хайкали улкан мажмуага янада улғуворлик бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам, ул буюк зотнинг муқаддас руҳи ва беназир шеърятини эзгу ва хайрли ишларимизда ҳаммиса ҳамнафас ва мададкор бўлиб келмоқда.

Олам аҳли билинмишимиз,
иш эмас душманлигимиз,
Ёр ўлинг бир-бирингизга ки,
эрур ёрлиг иш.

Бобокалонимизнинг инсонга чекиз муқаддас билан тўлиб-тошган бу каби фахрли ўғитлари маънавий меросимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, наинки, халқимиз, балки, башариёт учун ҳам буюк ҳикматдир. Зотан, улуғ мутафаккир бобомиз айна «Олам аҳли» деб мурожаат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинди, буюк бобомизнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланди. Мустақиллигимиз эълон қилинганда кейин санокли қўчалардан сўнг, яъни, 1991 йил 28 сентябрь куни пойтахтимизда Алишер Навоийнинг улуғвор хайкали қад ростлади. Бу юртимизда амалга оширилган бекиёс янгиланишлар ва бунёдкорлик ишларининг дебонаси бўлди. Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, халқимиз тарихида қутлуг келди. Унутилмас сана бўлиб қолди. Шу боис Мустақиллик ва Навроъ байрамларининг асосий тантаналарини мазкур бода нишонлаш чуқур рамзий маънога эга. Халқимизнинг катта байрамлари шу ердан бошланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйлади.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовни қарсақлар билан қутиб оладилар.

Чорлов мусиқиси байрам шодонаси бошланаётганидан дарак беради. Президент Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилади. Байрам аҳли хуриятимизнинг муаззам қўшиғига жўр бўлиб, минг-минглаб қалблардан отилиб чиқаётган садолар бутун оламга таралади. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни эзликдан ортик мамлакат аҳолиси сунъий йўлдош васситасида телевидение орқали томоша қилади, интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларига кириб боради.

Майдоннинг икки томонида ўрнатилган йирик экранларда мадҳиямиз садоларига ҳамоҳанг мустақил Ўзбекистоннинг зафарли одимлари, истиқлол йилларида бунёд этилган улкан иншоотлар, амалга оширилган йирик лоиҳалар, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимизнинг ҳаёти, мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришяётган ютуқларини акс эттирувчи видеотасвирлар намойиш этилади.

Халқимизнинг эзгулик йўлидаги интилишлари, унинг дарди, орзу ва истаклари, анъана ва қадриятларини ифода этадиган «Мангу бўстон» қўшиғи янграб, Ўзбекистон заминидан энг улуғ, энг азиз байрам бошланаётганидан далолат беради.

Бундан йигирма бир йил олдин мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, халқимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича танлаган йўлимиз ягона тўғри қарор

эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқламоқда.

Бунини юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари ҳаёти, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиёти, обод бўлиб, одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши ўзгаргани, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихини билишдан бошланади. Ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларига эга бўлган ва уни қадрлаган миллат теран илдизларидан қувват олади, юксалади, тараққий этади.

«Истиқлол очган хазина». Байрам дастурининг ушбу бўлими «Ўзбекистонда» қўшиғи билан бошланади. Ватанимизнинг мафтункор таровати, азалий шону шухрати баланд оҳангларида қуйланган мазкур ашула гўё тантана иштирокчилари, бутун халқимиз қалбидида, юрагидида туйғуларни ифода этгандек бўлади.

...Юракларни сел-симоб қилиб навосоз элимиз навалари янграйди. Жон қуши сайроғига ҳамоҳанг қўна наво садоси руҳиятга қувват, сафо бахш этади. Азал-азалдан эзгулик, одамийлик, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат каби олиханоб туйғулар тараннум этилган мумтоз ашулалар, жозибали рақслар байрамимизда иштирок этаётган хорижий дўсту ҳамкорларимизни ҳам тўқинлантириб юборади. Ана шундай паллардада мусиқанинг сеҳрли кучи ва оҳанрабоини янада чуқурроқ ҳис этади инсон...

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган тўб ўзгаришлар ва ишловлар ўзининг тарихий асосларига эга. Бошқача айтаганда, ажодларимиз қолдирган бай мерос бугунги авлодлар салоҳияти билан янгича маъно-мазмун касб этмоқда, янада бойймоқда.

Бунёдкорлик ва ободлик мустақиллик тушуниси ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Истиқлолимизнинг йигирма биринчи йилида пойтахтимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов гоёси ва ташаббуси асосида бунёд этилган яна бир улуғвор қошона фойдаланишга топширилди. Замоновий ажорот ва компьютер технологиялари билан жиҳозланган, юртимиз ёшларига миллий ва хорижий ажорот-қутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қутубхонаси ва Симпозийлар саройини ўз ичига олган Маърифат маркази миллий маънавиятимизни юксалтиришга қаратилган катта эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Халқимиз миллий ва умумбашарий қадриятлари уйғунлигига содик, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда миллий ва мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлоди Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган етук мусиқа асарлари яратиш бораборида жаҳон классик санъатини ўрганиш, бу йўналишда етук ижрочиларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

...Оҳанглари эзгулик нишонлари бўлиб, байрам сахнасида жаҳон классик санъатининг дурдоналари янграйди...

Бугун мамлакатимизда кенг қулоч ёйган бунёдкорлик ишлари юртимизнинг ҳамма ҳудудларини, ҳар бир шаҳар ва қишлоқни қамраб олган. Бундай улкан ўзгаришларни кўрган кишининг кўнгли юксалади. Юртимизнинг барча жойларида барпо этилаётган маданий-маърифий иншоотлар, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт муассасалари, санъат саройлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳобчалари, дам олиш ва хориқ масканлари одамларимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 2012 йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати 8,6 фоизни ташкил этди. Шу вақт мобайнида маҳаллий ҳомаёш ва компонентлардан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 101 янги корхона ишга туширилди. Айни пайтда замонавий аэропортлар, темир йўл вокзаллари, шохбеклар, магистрал йўллар, пўлат излар, кичик ва катта халқа йўллари, замонавий қўприқлар ва йўлтузасгичлар барпо этиш, ичимлик суви, иситиш, электр энергияси тизимлари, канализация тармоқлари каби муҳим инфра-тузилма объектларини қуриш борасида улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада чирой очилиш юртдошларимиз қалбидида гурур ва ифтихор, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуларини кучайтирмоқда.

— Халқимиз мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида фидойиллик билан меҳнат қилмоқда, — дейди байрам тадбири иштирокчиси, самарқандлик шифокор Курокбой Синдоров. — Истиқлол йиллари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ана шу эзгу мақсад йўлида қўлга киритилган улкан ютуқлар, бетимсол ишлар билан бугун ҳар қанча фахрланасан арзийди. Яқинда хизмат юзасидан воядига бўлдим. Анджон, Наманган, Қўқон, Фарғона шаҳарларидаги ўзга-



ришларни, ободлик ва гўзалликни қўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Бундай янгиланишларни юртимизнинг барча ҳудудларида қуриш мумкин. Бу каби оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб кўрини, бунёдкорлик салоҳиятини кўрамиз. Тинч, обод ва фаровон юрtdа яшаётганимиздан фахрланамиз. Юртимиз жамолидаги ўзгаришлар, шаҳарлар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уйлар ҳудудларимиз кўрқига кўрк қўшмоқда, одамларнинг ҳаётдан розилигининг ифодасига айланоқда.

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар, нуфузли халқаро молия институтлари, етакчи эксперт ва таҳлилчилар томонидан эътироф этилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» ўзининг нақадар ҳаётбахш, буюк келажагимизга йўналтирилган концепция эканини тўла исботлади. Ўзбекистоннинг бугунги қудрати ва салоҳияти, халқаро майдонда тобора ортиб бораётган обрў-эътибори, мамлакатимиз жаҳоннинг қўллаб-даватларини оғир аҳолига солиб қўйган иқтисодий танглик шароитида ҳам барқарор юксалиб бораётгани мазкур концепциянинг чинакам тарихий аҳамиятга эга эканидан далолатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишловлар ва инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармаси ўзининг 2011 йил ноябрь ойида мамлакатимизда бўлган миссияси баёнидада Ўзбекистон изчил ўсишга эришганлиги ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётганлиги қайд этилган, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ихобий прогноз билдирилган.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгартиришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланган ҳамада диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарни ташкил этиш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ишловлар иқтисодий таркибни барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққий эттириш имконини бермоқда.

2012 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши суръати 8,1 фоизни ташкил этди.

Молия-банк тизимини ислоҳ қилишнинг янада чуқурлаштириш ва унинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича қўрилаётган комплекс чора-тадбирлар банк тизими капитали етарлилик даражасининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолишини ҳамда кредит-лаш қўлаби кенгайтирилишини таъминламоқда. 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш доирасида банк тизимининг жами капитал 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 24,2 фоизга, уларнинг жами активлари 30,3 фоизга, миқозларининг банкдаги жалб этилган депозитлари 30,5 фоизга ошган. Ўзбекистон тижорат банкларининг барқарор ва ижобий ривожланиш прогнози етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлиқни изчил ривожлантиришга катта эътибор кўрсатишмоқда. Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдираришда, аҳолимизни, айниқса, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда мазкур соҳа энг муҳим омиллардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 ва 18 июль қўнлари қабул қилинган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар бериш ҳақида статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини қисқартиришга

доир фармонлари бу борада янада кенг ва янги имкониятлар очди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати натижа-сида жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,6 фоизга қўлайди ва 531 янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузилмасида тўғридан-тўғри инвестициялар улуши 80 фоиздан ортиқни ташкил этди.

...«Ватан». Муаззам майдон узра янграган қўшиқ уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг тўб-тўбигача етиб боради. Жаннатмонанд Ўзбекистон фарзанди, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканимиздан гурур ва ифтихор туйғузди. Эл-юртимиз тинч ва осойишта. Оилаларимиз мустаҳкам. Фарзандларимиз соғ-саломат камолга етмоқда. Олам-олам орзулар билан келажаққа қатъий ишонч билан яшаётган халқимиз ўзининг энг буюк байрамини кўтаринки кайфиятда нишонламоқда...

— Мана шу шукуҳи дамларда мустақиллик аталмиш улуғ неъматининг юртдошларимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада теран англаймиз. — дейди тантана қатнашчиси, пойтахтимизнинг Улғина туманидаги 123-мактаб директори Салтанат Тулаганова. — Истиқлолимиз халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кеңириш имконини бериб, инсоннинг барча соҳада истеъдод ва қобилиятини тўла намойиш этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун асос бўлиб келаётди. «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» эзгу гоёсини ўзида муҳассам этган ушбу улуғ айди қалбларимизга чекиз ифтихор, гурур бағишлайди.

Юксак технологиялар асрида яшаймиз. Хар кун бир янгилик, бир янгиланиш гувоҳи бўламиз. Бунини юртимиз сановатини янада ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир чора-тадбирлар мисолида ҳам қуриш мумкин. Жумладан, мамлакатимиз автомобил-созлари ўтган йилнинг сентябрь ойида «GM-Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган, янгиланган «Chevrolet Captiva» автомобилини, жорий йилнинг март ойида «Chevrolet Malibu» автомобилини тақдим этилди. Бундан ташқари, «Сурғил» қони неғизда Ўстюрт газ-қимё мажмуаси ҳамада Қашқадарё вилоятида синтетик суюқ ёнгил ишлаб чиқарадиган улкан завод қурилиши бошланди.

Жорий мавсумда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тарихида янги саҳифа очилди — деҳқонларимиз 7 миллион 170 миң тонналик улкан галла хиромини бунёд этдилар. Бу дастурхоналаримиз тўқинлиги, рўзгорларимиз кут-баракаси демакдир. Айни пайтда минглаб гектар майдонларда янги боғлар, тоқзорлар барпо этилмоқда, шахсий томорқа ҳўжалиқларида қўллаб-қувватловлар ташкил қилинмоқда. Саёзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум етиштириш, мева-саёзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми изчил ўсиб бораётди. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик жадал ривожланимоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги ва улар нархининг ўсаётгани кузатилаётган бир шароитда бундай юксак натижалар мисолида фаровонлик сари дадил одимлаётган меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти намойиш бўлади.

...Майдонда бахти қулган болаларимиз кириб келади — атрофини уларнинг шўх-шодон қийракларини тўтиб кетади. Бу дунёда бола қийракидан кўра жозибалироқ овоз борми?! Болалар яйраса, қўнғил яйрайди, болалар қулганда, олам қулади. «Янги авлод», «Тоғмоша», «Тантана», «Севинч», «Ором» болалар бадийи жамоалари ижросида ўғил-қизларимизнинг орзу-интилишлари, шўхлик ва эркаликлари, болаларнинг бегубор оламини ифода этадиган қуй-қўшиқ ва рақслар намойиш этилади. Озод дийримида ҳеч қимдан кам бўлмай воғға этаётган, тараққий топан давлатлардаги тенгдошлари билан ҳар томонлама беллашувга тайёр баркамол авлод, улар эришяётган улкан муваффақиятлар тараннум этилган ашула ва рақслардан диллар яйрайди...

Баркамол авлод — халқимизнинг энг олий орзуси. Президентимиз таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг

марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлоднинг тарбиялаш орзуси муҳассам.

Баркамол авлоднинг тарбиялашнинг асосий омилларидан бўлиши она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, ҳусусан болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида «Соғлом она — соғлом бола» гоёси асосида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Ҳусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга қилиниш мумкин бўлган ҳолатларни қамайтириш мақсадида турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий қўриқдан ўтказиш тизими жорий этилган. Барча вилоятларимизда она ва бола перинатал ҳамада скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар давлат бюджетли маблаглари ҳисобидан соғлом насли шакллантириш учун да-тур поливитаминлар билан таъминлана-моқда.

Мамлакатимизда икки ёшча бўлган барча болаларни бепул эмлаш йўлга қўйилган, бу ўз навбатида дифтерия, қўшқол, полиомиялит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. Кенг қўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нати-жасида ўтган йиллар давомида оналар ва гўдақлар ўлими уч борабардан кўпроқ қамайди. Ўзбекистон 2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг қўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, болалар спортини ривожлантириш борасида эришяётган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

...Боғу бўстониимиз эгалари ижросида мамлакатимизда жамиятининг асосий бўғини бўлиши оила мустаҳкамлиги, унга қўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида «Мустаҳкам оила» қўшиғи янграйди...

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2012 йил юртимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган. Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йилларидан миллий маънавиятимизнинг мустаҳкам қўрғони — оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга, фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оила соғлигини, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, баркамол ёш авлоднинг тарбиялашда оиланинг ролини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Бу ёру дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамдод ҳаммиса эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди», деган сўзлари замирида миллий гоёмиятининг бош мақсадларидан бири — баркамол авлоднинг камолга етказиш орзуси муҳассам.

Маълумки, ҳар йили илк бор мактаб оstonасига қадам қўядиган кичкинтойларга анъанавий равишда Президент совғаси — мактаб сумкаси, дарсликлар ва ўқув қуроллари тўплами тақдим этилади. Мазкур совға давлатимиз раҳбарининг юртимиздаги ҳар бир болага оталарча меҳр ва эътиборининг ёрқин ифодаси сифатида фарзандларимиз хотира-сида умрбод сақланиб қолади. Жорий йилда мамлакатимиз бўйича беш юз миң нафардан зиёд бола биринчи синфга қадам қўйди. Болалар ашула ва рақс гуруҳи ижросидаги «Совға» қўшиғи ва мусиқий композициясида ана шундай болаларнинг қувонч ва миннатдорлик туйғулари ўз ифодасини топади.

Баркамол авлод камолотида таълим-тарбия алоҳида ўрин тутди. Пойтахти-

мизда шу йил февраль ойида бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бериб, уни дунё мамлакатлари учун намуна сифатида кўрсатдилар. Баркамол авлоднинг тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида Ватанимиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар жаҳонда кенг эътироф этилаётгани халқимизга катта гурур ва ифтихор бағишламоқда.

Киндик қонимиз томган шу муқаддас тупроқни она Ватан дея атаймиз. Мустақиллик йилларида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Мустақиллик ва эзгулик монументи», «Мо-тамсаро она», «Ватанга қасамд» мажмуаларида ана сиймолари — Ватан тим-соли ўз аксини топан.

Байрам томошаси дастуридан ўрин олган «Она тимсолида азиздир Ватан!» бадийи композициясида бу маъно-мазмун чуқур ифодаб берилди.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳам-жиҳатлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳити мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётида мустаҳкам пой-девор бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва эл-вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кеңирмоқда. Уларнинг тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. 2012 йилда мамлакатимиздаги қўллаб-қувватлашнинг марказлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам бериб келаётган Республика байналмилл маданий маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди.

...Майдонга ҳарбий мусиқа садолари остида озод Ватанимизнинг мустаҳкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келади...

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қурултой Қўчаларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз

Истиқлол йўллари — ўсиш, улғайиш йиллари

Сарҳисоб

Бугун ҳаётимиздаги энг улғу, энг азий байрамни нишонламоқдамиз. Дунёнинг нигоҳи ўз мустақиллигининг йигирма бир йиллигини нишонлаётган мустақил, озод ва обод Ўзбекистонга, шу давр ичида эришган оламшумул ғалабаларимизга қаратилган десак, асло муболаға бўлмайди.

Хар йили бу улғу байрам муносабати билан мустақиллик даврининг бетакрор тарихига айланиб бораётган яна бир шиддатли, сермазун йилга назар ташлаймиз, жаҳон ҳам-жаҳиятида Ватанимизнинг шон-шухрати, нуфузи, обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан фохрланамиз, йил бошида режалаштирган ишларимиз қандай амалга ошганлигини сарҳисоб қилиб, янги, янада юксак марраларни белгилаймиз. Мамлакатимизда янгича дунёқарашга эга бўлган, замонавий билимларни кунт билан эгаллаётган, айна чоғда, ўзининг тарихий илдизларидан, улғу аждодларимиз қолдирган илмий ва маънавий меросдан яхши хабардор, миллий ва умуминсоний қадриятларни кўнглига жо қилган ёш баркамол авлод воёга етаётгани, уларнинг шижоатли меҳнати, ўқиш ва изланиши туфайли кўлга киритилган ютуқлар кўз ўнгимиздан ўтади.

Мустақиллик — улғу неъмат, бебаҳо бойлик. Бу турмушда турмушчалар моҳиятини бугунги кунда юртдошларимиз чўқур англаб етдилар. Мустақиллик ҳаётимизни, дунёқарашимизни ўзгартирди. Дунёга, ён-атрофимизга янада тегаран назар ташлашга ўргатди. Қадриятларимизни қайтариб берди. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмади. Қанча довлар, хавфу хатарлар, тўсиқлар, қийинчиликлар... Истиқлолнинг илк йиллариданоқ муҳтарам Юртбошимиз олиб борган доно сиёсат, халқимизнинг матонати бу тўсиқларнинг барчасини мардонавор енгиб ўтиш имконини берди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида халқимиз оқо-ийшталлиги ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам эди. Бугун бунёдкорлик, яратувчанлик куч-ғайрати билан яшаётганимиз, эзгу орзу-умидлар хаваси билан нафас олаётганимизнинг асл сабаби ҳам шунда. Бундай масканга тўй ярашади, бундай масканга байрам, шоду хуррамлик ярашади...

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик шонли санасини зўр қувонч билан, илғор ғоя ва тақлифларни илгари суршдек фаоллик билан қарши олди.

Ўтган 21 йил жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг қўламли ислохотлар даври бўлганини, янги Ўзбекистон дунёдаги энг бунёдкор давлатлардан бирига айланишнинг бугунга келиб жаҳон аҳли эътироф этмоқда. "Ўзбек модели" сифатида тан олинган тараққиёт йўли ўзини тўлиқ оқлаётгани, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилнинг амалиёт мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадриятга айлантирди. Хусусан, мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳам Ўзбекистонимизнинг аввал-бошдан танлаган тараққиёт йўлининг тўғри эканини, бу интилишлар юртдошларимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини кўрсатмоқда.

Маълумки, мустақиллик маҳсули бўлган "Адолат" СДП бошқа сиёсий партиялардан фарқи ўлароқ, ўз фаолиятини бошлаган дастлабки кунлариданоқ юқори малакали му-тахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар, мухтасар айтганда, Ўзбекистонни кучли, обрўли,

ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида қўриш-ни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сура-диган жамиятга яшашни ис-тайдиганларнинг ёрдамига та-яниб келмоқда ва улар учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг манфаатларини ҳимоялашни ўзининг асосий вазифаси сифатида белгилаб олди.

Ўтган вақт мобайнида пар-ламентда иқтисодий ислохот-ларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор қонунларнинг қабул қилинишида ҳам партия масаланинг ана шу жиҳатла-рига алоҳида аҳамият қарат-моқда.

Айниқса, 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сена-тининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурла-штириш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш концеп-цияси" номили маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқа-рувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахбо-рот ва сўз эркинлигини таъ-минлаш, сайлов қонунчилиги-ни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлан-тириш, шунингдек, демокра-тик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллашти-ришни янада чуқурлаштириш-



га қаратилган бир қатор қонун-чилик ташаббусларини илгари сурдиларки, унинг асосида қабул қилинаётган қонунлар бугун мамлакатимиз тараққиётининг юксалишига, жамиятини янада эркинлаштириш ва де-мократлаштириш ишига муно-сиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бу ўзгаришлар ҳам биздан ҳамда фаолроқ, ташаббускор-роқ бўлишни талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томо-нидан тақдим этилган Концеп-ция мамлакатимизда демокра-тик ислохотларни янада чуқур-лаштириш ва фуқаролик жа-миятини ривожлантириш бо-расидаги ислохотларни амал-га оширишда дастурий аҳамия-т касб этади. Концепцияда белгиланган берилган устувор ва-зифалар фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни тако-миллаштиришни, сиёсий пар-тиялардан, хусусан, Ўзбекис-тон "Адолат" социал-демокра-тик партиясидан партиявий-сиёсий фаолиятга бўлган ёндашувларни замон талаб-ла-ри даражасига кўтаришни, ўз фаолиятини танқидий нуқ-таи назардан кўриб чиқишни, Ватанимиз келажаги ва тақди-ри учун улкан ваколатлар бе-радиған масъулиятни ўз зим-мализга олишга тайёр бўлиш-ни талаб этади. Шу нуқтаи на-зардан, «Мамлакатимизда де-



Исmoil САИФНАЗАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари

мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий мақ-сад ва ғояларини ҳаётга тат-биқ этишга қаратилган "Ўзе-бекистон Республикаси Консти-туциясининг айрим моддала-рига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни зиммамиздаги масъу-лиятни янада оширди. Ана шу қонун асосида парламентнинг хар иккала палатаси депутат-лари биринчи маротаба Ўзе-бекистон Республикаси Бош ва-зири ҳисоботини эшитдилар.

Бугун ҳаётнинг ўзи қонун чи-қарувчилар олдига қонун ижод-корлиги ва назорат-таҳлил ишларини такомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Айтмоқ-чиманки, энг аввало, Прези-дентимиз Ислам Каримовнинг Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этган Кон-цепциянинг устувор йўналиш-ларидан, қолаверса, партия-мизнинг сайловолди платфор-маси ҳамда дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чи-

асосий йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиш ўринли, деб ўйлайман. Ўзбекистон "Адолат" СДП биринчи навбатда мам-лакатимизда қайта тикланув-чи, муқобил энергия манбала-ридан фойдаланиш борасида-ги ишларни янада жонлан-тириш, бу ҳокимият идоралари ва ижтимоий шериклар билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга интиломоқда. Тўғри, Ўзбекистон энергия ресурсларига бой мамлакат. Бироқ дунёда энер-гияга бўлган талабнинг кучай-иб бориши, ўз навбатида энергия захираларининг 30-40 йиллар орасида поёнига ети-ши борасидаги фаразлар ўрта ва узоқ муддатли стратегияда нефть ва газ ўрнини боса ола-диган муқобил энергияларни ривожлантириш заруриятини юзага келтириши аниқ. Марка-зий Осиё ва айниқса, Ўзбекис-тонда ҳам энергия истеъмоли-нинг ошиб бориши, атроф-му-ҳит муҳофазасига оид муаммо-лар нисбатан арзон, экологик тоза, муқобил, қайта тиклана-диган энергетикани ривожлан-тириш заруриятини янада оши-риши, шубҳасиз.

Олимларнинг ҳисоб-китоби-га кўра, йилнинг деярли 365 куни мобайнида қуёш нур со-чиқ турадиган Ўзбекистон ша-роитида қайта тикланувчи энергия манбаларининг кичик гидростанция, қуёш, шамол, биомасса ресурслари ва геотер-мал турларини ривожлан-тириш имкониятлари бисёр. Партиямиз энергиянинг мав-жуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлан-тириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга ус-тувор вазифа сифатида қара-ётгани учун ҳам фракциямиз депутатлари томонидан бу бо-радаги қонун лойиҳаси устида ишлар, тегишли вазирлик ва идоралар билан шу хусусда маслаҳатлашувлар олиб бо-рилмоқда.

Биз алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган яна бир йўналиш — бу рес-публикамиз иқтисодий са-лоҳиятини янада юксалти-риш имконини берадиган замонавий инновацион лойиҳалар ва ғояларни ривожлантириш ҳамда уларни иқтисодиётга кенг татбиқ этиш, деб ҳисоблаймиз.

"Адолат" СДПнинг сайловол-ди дастурида инновация тури-даги иқтисодиётни ташкил этиш масаласи устувор вази-фа сифатида қайд этилган. Айнан инновацияларга асос-ланган иқтисодий мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқроқ рўёбга чiqариш имконини бе-ради. Шу боис, партиямиз иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни тех-нолология қайта жи-ҳозлаш борасида амалга оши-рилаётган интилишларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз бу борада "миллий ин-новация тизими"ни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш зарур, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар му-ваффақияти бевосита фуқаро-ларнинг ижтимоий-сиёсий фа-оллигига, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг қай даражада шаклланишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон "Адолат" социал-

демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасидаги фракцияси жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ахборотлашган жамият қуриш, бу борадаги қонунчиликни такомиллашти-риш йўналишидаги ишларни ҳам янада кучайтириш нияти-да. Зеро, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқа-руви органлари ўртасида ах-борот алмашинувини жадал-лаштириш — ижтимоий-иқти-содий соҳадаги ислохотларни муваффақиятли давом этти-ришга, қабул қилинаётган қарорлар ва қонунларнинг ба-жарилишини назорат қилиш-га, ушбу жараёнда жамоатчи-лиқнинг фаол иштирок этиши-га ёрдам беради.

Бунинг учун биз бугунги кун-да вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлан-тиришга, фуқароларнинг бар-ча тоифаларини қамраб олган бошланғич партия ташкилот-ларининг вужудга келган тар-моғини сифат жиҳатидан мус-таҳкамлашга ҳаракат қилмоқ-дамиз. Шунингдек, вилоят, ту-ман, ва шаҳарлар партия кен-гашларининг кадрлар захира-сини қайта қўриб чиқилди. БПТ фаолиятини янада такомил-лаштириш, ўзаро тажриба ал-машиш, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиқни, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга эътибор қаратиш борасида тавсиялар берилди. Туман ва шаҳар кенгашлари ўз тарки-бида бўлган БПТлар фаолият-ини мунтазам назорат қилиш-лари, аъзолик бадалларини ўз вақтида ундиришлари, лозим бўлганда уларни рағбатланти-риб боришлари, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг сиёсий савиясини янада оши-риш борасидаги аниқ чора-тадбирлар режасини янада та-комиллаштириш юзасидан ўзаро тажриба алмашинилди.

Хотин-қизлар ва ёшлар би-лан ишлашда ҳам фойдаланил-маётган имкониятларимиз ҳали жуда кўп. Булар ҳам фа-олиятимизнинг асосий йўна-лишлари бўлиб, бу соҳаларда ҳудудий ташкилотларимиз ор-қали доимий, изчил иш олиб бораверамиз.

Бугунги кунда "Адолат" СДПда кенг тармоқли партия тизими вужудга келди. Хар бир туманда, ҳатто республикамиз-нинг энг олис ҳудудларида ҳам бошланғич партия ташкилотла-ри мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сони 2800 тадан ошиб кетди. 80 мингдан ошмиқ аъзо-ларимиз эса мамлакатимизда Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлигини таъ-минлаш йўлида қилинаётган ислохотларнинг муваффақият-ли амалга оширилишига муно-сиб ҳисса қўшмоқдалар.

Партия ўз электорати ва ғояларимизни қўллаб-қувват-лаётган хайрихоҳ юртдошла-римиз билан алоқаларни яна-да мустаҳкамлаш мақсадида ОАВ орқали мунтазам чиқиш-лар қилмоқда. Мазкур ахборот-ларда "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги фракцияси, Марказий Аппарати, ижтимоий шерикла-ри фаолияти, "Аёллар қаноти" ва "Ёш адолатчилар" томони-дан амалга оширилаётган иш-лар қамраб олинган. Партия-нинг нашрий органи — "Адо-лат" газетаси партия электо-рати вазелиларнинг манфаа-тини матбуот орқали ҳимоя қилишга жиддий эътибор қарашмоқда.

Албатта, шиддатли XXI аср барчамиздан даврга мос жўшқин фаолиятни, ташаббус-ларни тақозо этмоқда. Чунки бу-гун кечаги кун талаблари билан яшаб бўлмайди. Шунинг учун биз партиянинг дастурий вази-фалари аҳоли барча қатламла-рининг ижтимоий онгига етиб бориши, фуқароларнинг мафку-равий иммунитетни мустаҳкамла-ниши, партия обрў-нуфузини юксалтириш учун мафкуравий ва ахборот-тарбият ишларини за-монавий сиёсий технологиялар-дан кенг фойдаланиш ва омма-вий ахборот воситалари билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилиш асосида янада кучайтиришни давом эттирамиз.

Давоми. Ўшми 1-бетда

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

Мустақиллик байрами олдидан бугунги саодатли кунларга етиши-шимиз, Ватан озодлиги, юрт тараққиёти йўлида жонини фидо қил-ган аждодларимизни хотирлаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардир. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буюн 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига қўрсатилган улкан эҳтиром-нинг ёрқин ифодасидир. Бундай муътабар масканларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Айни чоғда шундай зиёратгоҳлар ва қадамжолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англашдирилган, уларнинг қалби ва онгига миллий истиқ-лол ғоясини янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган маъна-вият ва маърифат ўқуқларидир.

2012 йил 31 август тонги. Қатагон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қили-ниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Аънаанага кўра ош тортилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Ўтганлар хотираси муқаддас. Бугунги нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган қатагон қурбонларининг хотирасини ёд этар эканмиз эзгулик аталиши қудратли кўннинг аба-дийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Шахид кетган ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини яна-да чуқурроқ англаймиз.

Тарихини билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат сингари муқаддас тушунчаларни ёшларимиз онгига чуқур сингдириш даркор. Улар оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан ажра-та олсин. Зеро, ватанпарварлик ғояси онгига чуқур муҳрланган, дунё-қараш кенг, ҳар жиҳатдан билимли, зукко, ҳамиша оғоҳ авлодни ҳеч ким енголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навиқрон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказиш оқломайди.

Шу маънода "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этил-ган "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи юртдошларимизни, ай-ниқса, навиқрон авлодни тарихимизни яхши ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариб, мана шундай дорилмомон кўнларимизнинг қадрига етиб яша-шга ундовчи масканлардан биридир. Музейдаги экспонатлар мунта-зам равишда янгиланиб, унинг хазинаси ўша давр руҳини акс этти-радиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб бориломоқда. Бу ерда мустабид тузумнинг шоҳиди бўлган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, тарих, маънавият дарсларини ўтказиш яхши аъ-наанага айланган.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан су-ҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эри-шилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, дошларимиз турмуш тар-зи, онгу тафаккурда рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида суҳбатлашди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мам-лакатларида содир бўлаётган ноҳуш воқеалар хар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади, деди давлатимиз раҳ-бари. Турли можазолар, ўзаро қарама-қаршилиқлар, қон тўкилиш-лар жаҳоннинг қайси мамлакатиди рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади.

Дилни хира қиладиган бундай воқеалар биздан узоқда, деб унга лоқайд қараш хомхасилликдир. Нега деганда, бундай бало бир мам-лакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида бартар-раф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодиса-лардан ҳамиша оғоҳ бўлиш, она Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун хар бир инсон ўз ҳиссасини қўймоғи, эл-юрт тақдирини, келажагини учун дахлдорлик туйғусини дилига жо қилмоғи даркор.

Бу хусусда гапирар экан, Президентимиз қўшни Афғонистондаги мураккаб вазиятга яна бир бор эътиборини қаратди. Ўзбекистон бу давлатда ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буюн давом этаётган можазо-лар тезроқ барҳам топиб, мамлакат тикланиш ва тараққиёт йўлига тушиб олишини истади. Зеро, халқимизда "қўшнинг тинч — сен тинч" деган мақол бор. Умуман, ҳамиша эзгу ва хайрли ниятлар билан яшайдиган халқимизнинг ораси, мақсади битта — жаҳондаги барча мамлакатларда, эларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирсин.

Улғу неъмат — мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикдан хо-тиржамликка берилиш, оғоҳлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Ислам Каримов. Тинчлик ва осойишталикни асра-бар-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ходимларининг ва-зифаси, деганлар қаттиқ янглишади. Бу йўлда барчамиз, бутун халқи-миз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Зеро, тинчлик учун курашми керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тинчлик ва барқарор-лиқнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеалар хусусида, уларнинг асл сабабларини тушунти-риш ишларини олиб боришда имом-хатибларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлимоғи зарур. Шунли алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан жиддий фарқ қилади. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси қошида таш-кил этилган ўқув маркази бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун ёш вакиллари ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, оғоҳ бўлиб бормоқда.

Шу азий Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салоҳиятини янада юксалтириш бар-чамизнинг, мамлакатимизда яшаётган хар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган улкан марралар, эл-юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги тўғрисида айнан мана шу ерда, Ватанимиз озодлиги, халқимиз эркинлигини орзу қилган ва шу йўлда ўз ҳаётини қурбон қилган улғу аждодларимизнинг хотира-син шарафига барпо этилган ушбу мажмуида юксак гурур ва ифтихор билан гапирётганимиз чуқур раъдий маънога эга, деди пироварди-да Ислам Каримов. Бу билан буюк аждодларимизга миннатдор ав-лодлар сифатида, сизларнинг энг олий, энг эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошди, мустақил Ватанимиз тобора юксалиб, ривожланиб бормо-қда, авлодларингиз ўз юртининг ҳақиқий эгаси бўлиб, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, деймиз.

Шу кун Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятла-римиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоат-чилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

Сиёсат

Мустақиллик берган ҳуқуқ

Истиқлол эътирофи

Бугун барчамиз Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик қутлуг санасини нишонлаяпмиз. 21 йил... Бу давр мобайнида мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳаларни ислоҳ қилиш йўлида жуда катта марраларга эришдик.

Том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шарти сифатида инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу сайёҳ-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги кундан-кун юксалиб бормоқда.

Бу каби эзгу мақсадларни рўйбга чиқаришда, шубҳасиз, адлия органлари тизимининг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ тизим буткул қайта ташкил этилди. Энг муҳими, тизим фаолияти йил-

дан-йилга изчиллик билан такомиллаштириб бормоқда. Айниқса, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" талабларидан келиб чиқиб, 2011 йилда адлия органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга оид муҳим чоралар кўрилди.

Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида уларнинг ролини янада ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан ти-

зимли мониторинг — назорат олиб боришнинг янги механизмлари ўрнатилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш маркази Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасига айлантирилгани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Айниқса, кўпгина чет эллик экспертларнинг қонунчилигимизга қизиқиш билан қараётгани қувонарли ҳол. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг такомиллаштирилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид ягона давлат сиёсатининг юритилиши шулар жумласидандир. Буларнинг барчасига юртимиздаги барқарорлик, мустақиллик берган ҳуқуқ ва ҳуқуқий қафоллар, пировардида тўлақонли қонунчилик тизимининг яратилгани асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Баҳодир Худойқулов,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Самарасини бераётган ташаббускорлик

Бошланғич партия ташкилотларида

Пойтахтимиздаги «Файз» холдинг компанияси бугунги кунда самарали фаолияти билан нафақат Сергели тумани, балки Тошкент шаҳри иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айтиш ўринлики, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини катта шодиёна билан қутиб олаётган мазкур компания жамоасининг эришаётган ютуқларида бу ерда тузилган Ўзбекистон «Адолат» СДП бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг ҳам улуши катта бўлмоқда. Боиси, компаниядаги энг фаол ишчи-ҳодимлар, ёш мутахассислардан 200 нафаридан зиёди ушбу БПТ сафига бирлашган.

Корхона БПТ етакчиси Шахноза Қосимованинг ташаббуси билан партиядошлар ўртасида сиёсий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилиб, бу жараёнда партиямиз ғоявий дастурлари ҳамда оилавий шароитдан келиб чиққан ҳолда ошхона мебеллари тўплами ҳада қилинди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби мазкур корхонада ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган Мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб қутиб олишга қизгин ҳозирлик қўрилади. Жумладан, корхона ва унга

кучайтириш доимий диққат-эътиборда. Масалан, БПТ ташаббуси билан корхонада беш йилдан буён ишлаб келаётган Бахтиёр Ёдгоровга Мустаҳкам оила йили муносабати билан ҳамда оилавий шароитдан келиб чиққан ҳолда ошхона мебеллари тўплами ҳада қилинди.

ёндоз маҳаллалар ҳудудида ҳашар уюштирилиб, ён-атроф ободонлаштирилди. Ёлғиз, боқувчисини йўқотган қариялар ҳолидан хабар олиниб, байрам совғалари улашилди. Кунга кеча эса катта байрам тантанаси ташкил этилиб, ишчи-ҳодимлар, меҳнат фахрийлари, ёш улуғ кексалар тақдир этилди. Бундай эзгу ишларда корхона БПТ фаолларининг ҳиссаси катта бўлди.

— Иш жараёнини мазкур қўйи бўғиннинг фаолияти ҳам катта ўрин тутмоқда, — дейди Сергели туман партия кенгаши раиси Феруза Арипова. — Чунки аъзолардаги фаоллик ва ташаббускорлик бундай ҳайратли ишларни изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этиш учун имконият яратмоқда.

Бундай муваффақиятга эришаётган қўйи бўғинлар фаолиятини ҳар қанча тарғиб-ташвиқ этсак арзийди, албатта. Зеро, бу каби фаол БПТлар бошқа қўллаб қўйи бўғинлар учун ибрат вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

Хоразмлик партиядошларимиз юксак марралар сари интилишмоқда

Вилоят Кенгашида

Бугун сиёсий партияларга берилган кенг ваколат ва имкониятлардан фойдаланаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгашининг жорий йилдаги фаолиятига назорат ташласак, муайян ютуқларга эришилганлигига гувоҳ бўламиз.

Буни вилоят партия Кенгаши фаоллари ва депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ва жонқурлиги туфайли партия дастурий ғояларида илгари сурилган устувор вазифалар ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросига қаратилган тадбирларнинг аҳоли орасида таъсирчан усулларда ўтказилаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Йил бошидан бугунги кунга қадар ўтказилган 600 га яқин тадбир натижасида партиямиз сафлари 837 нафар янги аъзо ҳисобига кўпайиб, уларнинг умумий сони 7600 нафарга яқинлашди. Бугунги кунда шаҳар ва туман кенгашларида фаолият кўрсатаётган БПТ сони эса 139 тани ташкил этмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги туман ва шаҳар партия кенгашлари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган хайрли тадбирлар партиямиз хайрихоҳлари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, партиянинг Хонқа туман кенгаши фаоллари

ташаббуси билан ҳудуддаги кам таъминланган оилалар фарзандларига алоҳида эътибор қаратилиб, 1 та никоҳ тўйи ва 10 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказиб берилди. 24-Арбоблар сайлов округидан сайланган Халқ депутатлари Урганч туман кенгаши депутати Саида Курбонниёзова ташаббуси билан ҳомийлар жалб қилинган ҳолда Мустақиллик байрами ва янги ўқув йили олдидан кам таъминланган 20 та оила фарзандларига мактаб сумкаси ва ўқув-курроларидан иборат жамланмалар совға қилинди. Депутат ташаббуси билан ана шундай хайрли ишлар давом эттирилиб, туман ҳудудида жойлашган «Умид» меҳрибонлик уйидаги боқувчисини йўқотган қариялар ҳолидан хабар олинди ва уларга байрам совғалари улашилди.

Бундан ташқари, вилоят партия ташкилотлари томонидан уюштирилаётган турли кўрик танловлар ҳам ўзининг нуфузи ва ёшларнинг қизиқишга сазовор бўлаётганлиги

билан ном қозонган. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган «Оила муқаддас даргоҳи» мавзусидаги кўрик танлов тўғрисида Ўзбекистон Республикасида ўтказилган бўлса, аъло навий равишда ўтказиб келинаётган ва вилоятда партиямизнинг ўзига хос нуфузини белгилайдиган «Адолат дўпписи» ва «Адолат белбоғи» ҳам ўз эгаларини топди.

Истиқболдаги режалар ҳам бисёр. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан барча вилоятларда ўтказиб келинаётган кўча ўқув-семинар Хоразм вилоятида жорий йилнинг ноябрь ойида Маъмур академиясининг профессор-олимлари билан ҳамкорликда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Шу кунларда эса Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши томонидан вилоятнинг барча ҳудудларида Истиқлолнинг 21 йиллига бағишланган байрам тадбирлари катта кўтаринкилик билан нишонланмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол берган имкониятлар ва қўлга киритилаётган ютуқлардан илҳомланган вилоят партия Кенгашимиз юксак марраларни қўлга олишда эзгу мақсадлар сари интиломоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилоят Кенгаши
матбуот хизмати



Сайлов: демократик таъминотлар такомиллашади

бу, шубҳасиз, Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади

Давра суҳбати

Мамлакатимизда умумэтироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизими шакллантирилди. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилди. Зеро, демократик жамиятда сайловлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ажралмас қисми, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини ифода этишининг, халқ суверенитетини рўйбга чиқаришнинг асосий шакли.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш ғояси асосида парламент қўйи палатасидаги бир гуруҳ депутатлар томонидан «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Қонунчилик палатасида бўлиб ўтаётган йиғилишларда, вилоятларда сайлов қонунчилиги бағишланган семинарларда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Шу билан бирга бу борадаги электротат фикри ўрганилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ҳамда Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатиде фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

«Мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг иштироки» мавзусидаги мазкур давра суҳбатиде Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раиси Исмоил Саифназаров миллий сайлов тизимига оид демократик меъзолаб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганлиги алоҳида таъ-


сайдига Концепцияда илгари сурилган ғоялар сиёсий партиялар фаоллигини янада кучайтириш, уларга тенг шароитлар яратиш ҳамда кўпартиявийлик тизимини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди, — деди И.Саифназаров. — Шу боис мазкур қонун лойиҳасининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Шу билан бирга уни янада такомиллаштиришда фаол иштирок этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ташаббусчилар гуруҳи аъзоси Акмал Раҳмонов «Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги мавзусида қонун лойиҳаси юзасидан тушунча берди.

— Мазкур қонун лойиҳасига кўра, сайловга оид қонун ҳужжатларига 7 та асосий йўналиш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, — деди у. — Масалан, сайловда ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида «сайловда ташвиқоти» тушунчасига аниқ таъриф берилмоқда. Яъни «сайловда ташвиқоти» — сайлов компанияси даврида амалга оширилган сайлов ва сайловчилари депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият» сифатида белгилаб қўйилмоқда.

Ташвиқот олиб бориш шартлари, турлари, рўхсат этилган шакл ҳамда усуллари аниқ белгилаб қўйилаётгани сайловда ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилишини сайлов кампаниясининг очиклигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котибияти раҳбари Ойбек Соатов сайлов жараёнининг ҳуқуқий асослари ҳусусида баътафсил гапирди.



Шунингдек, сайловга оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши жараёнининг Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурига ҳамроҳлиги ҳусусида фракцияси аъзоси Камола Ҳамидова сўзга чиқди.

— Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик таъминотларини илгари суради, — деди К.Ҳамидова. — Партиямиз дастурида белгиланганидек, адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор мақсадларимиздан. Шу боис қонун лойиҳаси мақсад ва вазифаларимизга тўла мос келади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Қонун лойиҳасида овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловда ташвиқотига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норманинг кўзда тутилиши, шубҳасиз, сиёсий партиялар учун муҳим аҳамият касб этади. Агар ушбу норма «бир кун» эмас, «бир сутка» қолганида деб ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки сайловда ташвиқотини амалга оширишда бундай чекловнинг белгиланиши, сайловчиларга ўз нуктаи назарларини аниқлаштириб олиш ва қайси сиёсий партия вакилига овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақтни янада аниқлаштирилади.

Давра суҳбати иштирокчилари сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан атрофича фикр алмашдилар.

— Сайловларга оид маълумотларни аҳолига кенг ва очик тарзда етказишда, мамлакат ҳаёти, келажагига дахлдор бу жараёнининг эркин, ошқора, ҳолис кечишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади, — деди фракция аъзоси Зухра Ботирова. — Истиқлол йилларида юртимизда яратилган миллий қонунчилик тизими медиа соҳанинг сайлов жараёнининг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилмоқда. Қонунчиликда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга ОАВдан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган бўлса-да, бу масала аниқлаш-

тирилмаган ва уларни амалга ошириш шартлари кўрсатилмаган эди. Қонун лойиҳасида эса сайловда ташвиқоти олиб боришда ОАВдан фойдаланиш тартиби, шунингдек, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловда ташвиқотини амалга ошириш шартлари аниқ белгилаб қўйилаётгани ҳам аҳамиятлидир.

Фракция аъзоларининг тақлиф ва тавсиялари ҳусусида фракция аъзоси Абдуқамол Раҳмонов сўзга чиқди.

— Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан тузилгани сингари 8-модданинг учинчи қисмини «қамокда сақлаш жойларида эса Ички ишлар вазирлигининг тақдимномасига» деган сўзлар билан тўлдирish тақлиф қилинмоқда, — деди А.Раҳмонов. — Тергов хибсхоналари ҳарбийлаштирилган муассасалар бўлгани сабабли ҳамда алоҳида ҳусу-сиятларини эътиборга олган ҳолда «қамокда сақлаш жойларида» ҳам ҳарбий қисмлардаги сингари истисно назарда тутилиши тақлиф қилинмоқда.

Тергов хибсхоналарининг ўзига хос ҳусусиятларини эътиборга олган ҳолда у жойларда тузилмадан участка сайлов комиссияси раислигини Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари сингари бевосита муассаса раҳбари зиммасига юклаш лозим. Бу масала очик қолдирилса, сайлов жараёнида камокда сақлаш жойларида участка сайлов комиссиялари тузиш бўйича жиддий муаммолар вужудга келиши мумкин.

Шунингдек, номзодлар томонидан депутатнинг ваколат доирасига кирмайдиган вази-фаларни бажариб бериши ҳақида сайловчиларга ёлгон ваъдалар бериши собиқ тузум давридан қолган иллат эканлиги эътиборга олинган ҳолда 27-модданинг 3-хатба-шисини «Пул маблағлари тўлаш» деган сўзлардан кейин «Депутатнинг ваколат доирасига кирмайдиган ваъдалар бериш» деган сўзлар билан тўлдирish ҳам муҳим деган фикрдаимиз. Чунки айрим номзодларнинг ёлгон ваъдалари сайловнинг ҳолислигига таъсир кўрсатиш баробарида, депутатлик шаънига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мунозараларга бой давра суҳбатиде депутатлар ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашишди. Суҳбат якунида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири

Инсон соғлиғи — устувор вазифа

тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадга қаратилган

➤ Давоми. Боши 1-бетда

Албатта, ҳар ким узоқ умр кўришни, бахтли ва саодатли ҳаёт кечиришни, орзу-ниятлари рўёбга чиқишини истайди. Аммо бу истаклар фақат кўнгил хоҳиши билангина амалга ошмайди. Қачонки, инсон кадр-қиммати улугланса, турмуш тарзимида соғлом муҳит ҳукмрон бўлса, шундагина умрнинг мазасини тотиш, мазмун ҳақида сўз юриш мумкин. Бу ҳақиқатни биз Истиқлол туфайли янада теранроқ англаб етдик. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида-ноқ эл саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, бу борада ҳавас қилса арзғулик натижаларга эришилмоқда.

Бугун мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятларда шoshiлиш тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилди. Ҳар жиҳатдан баркамол янги авлодни вояга етказиш, халқ соғлиғини мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб белгиланди.

Истиқлолимизнинг илк даврларидаёқ бу борада дастлабки амалий қадамлар ташланди. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармони билан мамлакатимизда “Соғлом авлод учун” халқаро нодавлат хайрия жамғармаси вужудга келганлигини эслайлик. Айнан шу йили мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди. Ушбу орден билан ҳар йили халқимизни соғломлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган фидойи инсонлар мукофотландилар. Очиги, соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиғи йўлида ташланган бу каби қадамлар ўз вақтида нафақат она заминни, суву ҳавосини, балки насли ҳам ораблар, исқанжасида қолган оловун катта воқеа бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши соҳада ўтказилаётган ислоҳотларда туб бурилиш ясади. Стратегик аҳамиятли бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ҳамда унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилган. Мазкур Давлат дастури ижросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илгор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш погондан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди.

Айни пайтда қишлоқ врачлик пунктлари базаси мустаҳкамланиб, уларнинг сонини 3200 дан ошди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган тиббий марказлар, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Шу тариқа мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилди.

— Ана шундай эътибор натижасида тиббиётимиз қанчалар юксалганини янги тизим — Шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг энг замонавий даволаш муассасаси сифатида шаклланаётганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин, — дейди мазкур марказ бош директори ўринбосари Камол Ризаев. — 13 та вилоят филиали ҳамда 171 туман бўлими, шунингдек, “103” хизматини ўз ичига олган республика Шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида бугунги кунда дунёдаги энг мураккаб жаррохлик амалиётлари ўтказилмоқда. Юртимизда ташкил қилинган ушбу тизим кафолатли, ишончли ва хизматини бепуллиги билан жаҳон тиббиёт оламида бекиёс тизим сифатида ахрелиб туради.

Шуни таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базаси узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Хусусан, “Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Давлат санитария назорати тўғрисида”, “ОИТС касаллигининг олдини олиш тўғрисида”, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”, “Алкоголизм, наркомания ёки тахикомания билан касалланган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.



“Одам иммун танқислиги вируси қақирувчи касалликларнинг олдини олиш тўғрисида”, “Гиёҳванд ва психотроп моддалар тўғрисида”, “Фуқароларга психиатрик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”, “Аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қон ва унинг компонентлари донорлиги тўғрисида”, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Аҳолининг микронутриент етишмовчилигининг олдини олиш тўғрисида”, “20 ёшга етмаган шахсларга алкоголь ичимликлар ичиш ва тамаки чекишни, уларни тарқатишни чеклаш тўғрисида”ги қонунлар аҳоли саломатлигини сақлашда, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилишда салмоқли аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг кенг қатламларига кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиради. Партия бу борадаги ўз саяё-ҳаракатларини бепул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш устидан назорат қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналтиради.

Маълумки, бизнинг барча эзгу ниятларимиз, орзу-умидларимиз эртанги кун эгалари бўлиши фарзандларимиз тақдирига дахлдор. Шу сабабли ҳам оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этишга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат дастурларида соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирлар ижросини янада кучайтириш муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган “Соғлом она — соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий марказлари ташкил этилди.

— Шуни чексиз фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, илгари ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдиришимиз қийин бўлган скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказларнинг кенг тизими жорий этилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқарма бошлиғи Саидмурод Исмаилов. — Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ҳар икки мукамал тизим марказлари самарали фаолият юритмоқда. Мана шундай ислохотлар натижасида йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдақлар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга ўзайиб, бу кўрсаткич эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Тўғри, биз қилинган ишлар ҳусусида гапирганда, кўпинча уларни рақамлар ва фоиз ҳисобида ифодалашга одатланганмиз. Аммо эътибор беринг: агар оналар ўлими уч баробар камайган бўлса, биз юртимиз бўйича қанча она, қанча инсоннинг ҳаётини сақлаб қолган,

қанча оилага бахт улашган бўламмиз! Бир қарашда оддий кўринган рақамлар негизида мана шундай ҳаётий масалалар ётибди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, баъзи мамлакатларда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан, шаҳарларда жойлашганлиги туфайли қишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатимизда яратилган миллий моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бизда энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларга ҳам худди шаҳарлардаги каби бир хилда малакали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

— Юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза

ни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишлар самараси ҳамда даволаш ва профилактика хизматларининг ўз вақтида кўрсатилаётгани сабабли, аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада қамайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонда бу кўрсаткич нафақат шаҳарлар, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг барча аҳолисига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Сир эмас, бугун дунёнинг кўпгина давлатларида ихтисодиётнинг пасайиши, бюджет тақчилиги каби салбий омиллар туфайли ихтимоий мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар қисқартирилмоқда. Бу жараёнда “ўзбек модели” деб ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри экани мана шундай мураккаб шароитда яна ва яна ўз тасдиғини топмоқда. Чунки бизда халқ манфаати, юрт истиқболи йўлидаги ишлар бир зумга бўлса ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Буни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2010 йилда соҳа раванки учун давлат бюджетидан 1 триллион 703 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 2,2 триллион сўмга етди. Жорий йилда эса тиббиёт соҳаси ривожини йўналтирилаётган давлат бюджети харажатлари 2,8 триллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Табиийки, бу маблағлар янги даволаш муассасаларини бун-

ана шу эзгу мақсад йўлида қилинаётган ишларнинг мантиқий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Бунда Президентимизнинг 2007 йил 2 октябрда “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши айна мудио бўлди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатта мувофиқ, Инвестиция дастурлари доирасида ушбу лойиҳани амалга ошириш учун давлатимиз томонидан жами 21,5 миллиард сўм миқдорда маблағ йўналтирилди.

Айни пайтда академик В.Вохилов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қошида бунёд этилган мазкур замонавий даволаш муассасаси жаҳоннинг энг нуфузли ва етакчи хорижий компанияларининг юқори технология тиббиёт анжомлари билан жиҳозланди.

Қурилиш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари билан бир қаторда, кардиохирурглар, анестезиологлар, реаниматологлар ва рентген-диagnostиклар хирургия мутахассисларини ўқитиш ҳамда малакасини ошириш ишлари ҳам олиб борилди. Жумладан, 2008-2012 йилларда мазкур Марказнинг кўплаб ходимлари ривожланган мамлакатларда ўзаро тажриба алмашиб, ўз малакаларини янада оширишди.

Фойдаланишга топширилган кардиохирургия муассасаси ҳар куни 200 нафардан ортик беморларни қабул қилишга мўлжалланган консулътатив поликлиника, юрак қоронар томирлари хирургияси, трансплантация, интервенцион кардиология ва юрак ритмининг бузилиши, 3 ёшгача бўлган болаларда юракнинг туғма нуқсонларини аниқлаш, анестезиология, реанимация ва интенсив терапия бўлимлари ҳамда юракни “очик”, яъни сунъий қон айланиш шароитида мураккаб жаррохлик амалиётларини амалга ошириш

қиятли ўтказишга кенг имкониятлар яратиб, нафақат юрак нуқсони мавжуд болалар, балки кўрак ёшидаги болаларда ўта ноёб, шу жумладан, гибрид операцияларни ҳам бажаришда бекиёс ўрин тутди.


Бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган жиҳати, мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасида эришаётган ютуқлари жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларини жорий этишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани фикримиз тасдиғидир. Шу ўринда, диққатга сазовор яна бир далилни келтириш жоиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Европа, Кавказ ва Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар ичида фақатгина 4 та давлат, жумладан, Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббий хизматининг миллий модели юқори баҳолалиб, ана шу мамлакатлар учун намунавий модель сифатида эътироф этилди.

Ўтган йилда эса Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли — “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилганлиги ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлади. Ушбу халқаро ташкилотнинг минглаб тадқиқотчилари томонидан 161 мамлакатда ўтказилган ҳолис ўрганишлар шу давлатларнинг барча ҳудудларида тиббий хизматлардан фойдаланаётган имкониятлари, уларнинг самардорлик даражаси каби муҳим кўрсаткичларга асосланди. Шунингдек, болаларни мунтазам эмлашга қамраб олиниш даражаси, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби омиллар ҳам эътиборга олинди. Мамлакатимиз ушбу барча кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи ўрнини эгаллади ва Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Табиийки, бундай ҳолис эътирофлар мамлакатимизда тиббиёт, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими янги босқичга кўтарилгани, хизматнинг замонавий ва ишончли эканлигига яққол далилдир. Давлатимизнинг бу борада эришаётган ютуқлари жаҳондаги мазкур соҳа вакилларининг ҳам қизиқишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун бугун Ўзбекистон дунё тиббиёт марказларидан бирига айлانмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро анжуманларнинг мамлакатимизда ўтказилаётганлигида ҳам чуқур маъно бор. Шу маънода, ўтган йил ноябрь ойида пойтахтимизда жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари ва 50 га яқин ривожланган дунё мамлакатлари вакиллари иштирокида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: Соғлом она — соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиумнинг юксак даражада ўтказилганлиги фикримиз далилдир. Унда БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ каби дунёнинг энг нуфузли халқаро муассасалари Ўзбекистон тиббиёти ривожига яна бир бор юксак баҳо бердилар.

Кўриб турганингиздек, мустақил мамлакатимизда халқаро андозалардаги тиббий хизмат кўрсатиш асосларини яратиш имконини берди. Бундан кейинги тараққиётимиз, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон тиббиётининг янада барқ уриб ривожланиш даражаси юзгага келтиради. Қолаверса, яқиндагина мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини тизимли равишда яхшилашнинг асосий йўналишлари тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислохотлар йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қиладди. Зотан, мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш устувор вазифа сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган экан, бу борадаги саяё-ҳаракатлар ҳар биримизни янада фоаликка ундайверади. Шифокорларга кўрсатилаётган бекиёс гамхўрлик ва эътибордан қалбимиз хамиша фахр-ифтихорга тўлиб, бу тўғйлар астойдил ишлашимизга даъват этаверади.

Фурқат САНАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот хизмати бошлиғи



фарзандларни дунёга келтириш бўйича амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатига учрамайди, — дейди республика Аҳоли репродуктив саломатлиги маркази директори Махмуда Каттахўжаева. — Шу маънода, давлатимиз томонидан поливитаминларни харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратилиб, ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконияти яратилаётгани эътиборга сазовордир. Бундан ташқари, уни зарур микроэлементлар билан бойитиш, туз-

ёд этиш, мавжудларини янада замонавийлаштириш, уларни энг сўнги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга хизмат қиладди.

Ҳозирги вақтда 2012 йилги Инвестиция дастури доирасида 150 дан зиёд ҳудудий ва республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида курилиш ҳамда реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Ушбу мақсадларга давлат бюджети ҳисобида қарийб 256 миллиард сўм сарфланиши режалаштирилган.

Мамлакатимиз мустақилиятининг 21 йиллик шодиёналари арафасида пойтахтимиздаги академик В.Вохилов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қосида янги замонавий Кардиохирургия бўлимининг очилиши ҳам

имкониятига эга дунё стандартларига тўлиқ жавоб берадиган туртта операция залини ўзида мужассам қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Кардиохирургия марказининг очилиши юрак хирургияси соҳасида юқори технологияларни татбиқ қилишга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтиришга, ихтисослаштирилган кадрларни тайёрлаш учун қўлай шароитларни яратишга ва ҳудудий марказлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур Марказнинг очилиши мамлакатимиз шифокорлари томонидан дунёда қамдан-қам ўтказиладиган энг мураккаб кардиохирургик амалиётларини муваффа-

Жараён

Таълим ва тарбия уйғунлиги — келажак сари ишончли қадам

Депутат минбари

Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича алоҳида эътироф этилиши барчамизга, шу жумладан, «миллий инновация тизими»ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратаётган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаолларига ҳам юксак ғурур бағишлайди. Хабарингиз бор, CNN компаниясининг дунё мамлакатлари бўйича таълим ҳолати тўғрисидаги қийёси ахборотида маълум қилинганидек, Ўзбекистон 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллади. Мазкур таҳлилда инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятининг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланган. Бу эса мамлакатимизнинг таълим соҳасига йўналтирилган сармояси ўзини тўла оқлаётганининг яна бир намойиши бўлди.

Яқинда бўлиб ўтган тест синовлари ҳам талабаларни олий ўқув юртиларига қабул қилишда адолатлилик принципи устуворлигини кўрсатди. Ўзлашқан касбига доир фанларни чуқур ўзлаштирган, бу йўналишда кўшимча адабиётларни синчиклаб ўқиган, мустақил фикрлаш ўқинмасига эга ёшлар саволларга аниқ жавоб қайтариб, жуда кучли рақобатда муваффақият қозonganларни ҳам мамлакатимизда жорий этилган янги таълим тизими ўз самарасини бера бошлаганининг ёрқин далолатидир.

Истиқлолимиз тенгдошлари бўлмиш йигит-қизларнинг Юртбошимизнинг асарлари, нутқ ва маърузалари, хусусан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган вазифалардан, мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу шу-урида, турмуш тарзида, жамият ва шахс муносабатларида рўй берган ўзгаришлар, бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлардан, хусусан, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан, эркин демократик жамият қурилиш тарихидан яхши хабардорликларни, айниқса, қувонарлиқдир.

Мустақилликка эришилгач, жамият олдида фақат таълим соҳасини эмас, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини жид-жид ислох қилиш, аниқроғи — қайта ташкил этиш, ёшлар дунёқарабини собиқ тузум мафкуриси асоратларидан тозалаш вазифаси турарди. Жамият ҳаётини эркинлаштириш, мамлакатнинг иқтисодий куч-қудратини янада ошириш ҳамда мамлакатнинг жаҳон ҳамжамятидаги ўрнини мустақамлаш учун олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштириш, ўқув-тарбия ишини замонавий талабларга, мамлакат, жамият олдида турган муҳим вазифаларга мос равишда олиб бориш кун тартибига чиққан эди. Чунки миллий тараққиётга аниқ ва гуманитар билимларни кунт билан эгаллаган, қалбида Ватан туйғуси жўш урган, истиқлол ғояларига садоқатли ёшларнинг фаоллиги, ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги туфайлигина эришиш мумкин эди. Шу боис, таълимни ишлаб чиқариш амалиёти билан бевосита боғлаш, бўлажак ёш мутахассисларда ишчанлик, ташаббускорлик, ихтирочилик фазилатларини тарбиялаш, бундай ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарурлиги, фақат шундан йўл тутилганидагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги аниқ бўлиб қолган эди.

Мамлакатимизнинг янги қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бу мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этди. Соҳа мутасаддилари олдида тизимни жамиятда амалга оширилаётган кенг қўламли, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўналишига мослаш, таълим-тарбия ишининг амалдор дунёвий усулларини амалга оширишда ишчанлик билан жорий этиш, талабаларни қуруқ ёдлашга эмас, мустақил фикрлашга, турли қарашларни ўзаро қийслаш баробарида шахсий ҳулоса чиқаришга ўргатиш вазифаси қўйилди. Ўтиш даврида, яъни мамлакат ҳаётида ғоят мураккаб муаммолар мавжуд бўлиб турган бир пайтда таълим-тарбияга устувор вазифа сифатида қаралган миллий истиқлолимизнинг мақсади ва бош ғояси — мамлакатимизда тинчлик-тотувликни, ахил-инқиликни сақлаб қолиш, халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш, янги баркамол авлодни тарбиялаш, йигит-қизларга илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш, улардаги истеъдод ўқинларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш мақсадида тўла мос келишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Бу — дунёнинг қўллаб-қувватлаётган турли-хил ша-роитларда мамлакатимизда турли-хил ша-роитларда синовдан ўтган, ўзини тўла оқлаган тажриба эди.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, олий таълимнинг икки босқичли — бакалаврият ва магистратура йўналишига ўтди.

Янги таълим тизимининг афзаллиги шундаки, ёшлар ўз лаёқат ва қизиқишларига қараб, бўлажак касбларини мустақил равишда танлашлари мумкин бўлди. Бунда лицей ва коллежларда, умумий ўрта мактабларда йигит-қизларни касбга йўналтириш юзасидан олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий ишлар катта аҳамият касб этди. Иккинчидан, жамият тараққиётининг янги босқичларига кўтарилаётган, янги мулкдорлар табақасининг шаклланиши ижтимоий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда, таълим тизимини такомиллаштириш, унинг замон билан ҳамнафаслигини таъминлаш

долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Чунки бу жараёнларнинг ижобий натижаси ўлароқ, ҳаётимизда қўллаб-қувватлаш янги касблар, мутахассисликлар, илмий-техника йўналишлари пайдо бўлаётди. Фақат саноат соҳасида эмас, маданият ва санъат, маиший хизмат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо-сотиқ, спорт ва бошқа соҳаларда ҳам замонавий янги касб ва мутахассисликларни пухта эгаллаган ёшларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бундан англашиладики, ҳулоса шуки, мустақиллик шарофати билан жорий этилган янги таълим тизими бундан бундан ҳам такомиллаштириб бориши, ўқув-тарбия ишига янги илғор метод ва усуллар ўз вақтида жорий этилиши, халқ ҳўжалигининг турли соҳалари учун тайёрланаётган кадрларнинг юксак малакали бўлишини таъминлаш зарур бўлади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида талаба-ёшлар яшайдиган шаҳарчалар мавжуд. Уларнинг ёшларнинг ўзлари бошқарди, маиший хизмат кўрсатиш, маданий ҳордиқ чиқариш, спорт ёки бошқа бирор бир фойдали машғулот билан шуғулланиш имкониятларини яратиш, муаммоларни ҳал этиш ҳам шу шаҳарчада истиқомат қиладиган ёшларнинг ўзига топшириб қўйилган. Улар ўқув йилларининг ўзидаяқ тадбиркорликдан, бошқарув йилидан, келгуси ҳаётларида дуч келишлари мумкин бўлган турли хил ҳолатлардан хабардор бўладилар.

Шаҳарчалар бутун бормлиги — иморатлари, дов-дарактлари, майсазор ўтлоқлари, шинам хиббонлари, ўқув масканларидаги ноёб китоблар, компьютер техникаси, нусха кўчирувчи воситалар, буларнинг ҳаммаси шу ерда истиқомат қилувчиларнинг гўёки хусусий мулкидай асраб-авайланади. Чунки уларнинг кўпи шу ёшларнинг меҳнати, илмий салоҳияти билан яратилган. Бирор жойда, бир ҳовуч бўлсин, чиқинди уюмини кўрмайсиз. Ҳеч бир киши, ҳатто тунда ҳам, бирор бир ичимликдан бўша-чидан идишни ножиоз жойга ташламайди. Чунки, бу жой — унинг жойи, унинг уйи. У шу ерда яшайди, нафас олади.


Ушбу сатрларни бир вақтлар бошқа қўллаб-қувватлашнинг қатори истиқомат қилган, таълим олган талабалар шаҳарчасининг бугунги тамоми-

ла янги, замонавий қиёфасидан, бу ерда яратилган беҳад кўп имкониятлардан завқланиб ёзаяпман. Уларга алоҳида тўхталиб ўтирмайман, бориб кўриш керак. Ортимиздан келаятган янги авлод тарбияси-га мамлакатимизда қандай эътибор берилаётгани, бугунги ёшларнинг завқли, мақсад-муддаоли ҳаётини ҳар бир киши ўз кўзи билан кўриши, ҳис этиши зарур. Ҳукуматимиз ёшларнинг тўлақонли илм олиши, маънавий-ахлоқий тарбияси учун зарур бўладиган ҳар қандай сарф-харажатларни ўз зиммасига олмоқда. Давлатимизнинг бу ғамхўрлиги биринчи навбатда ёшларимизнинг илмий салоҳиятини кучайтиришга қаратилган. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Яратилган шароитлар ота-оналарнинг, сизу бизнинг меҳнатимиз самараси эвазига амалга оширилганини унутмаслик зарур.

Давлатимизнинг юксак ишончига жавобан ёшлар ўзларини, энг аввало, илмда, илмий тафаккурда, амалиётда, она-Ватанга садоқатда кўрсатсинлар. Мамлакат ва миллатнинг эрта-си бошқа ҳеч кимга эмас, айна ўзларига боғлиқ эканини унутмасинлар. Айни ҳолда ўқиб, фанларни ўзлаштириш билан бирга, ҳаётимизнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларимизга мустақил фикрлаш, камтарлик, одоб-ахлоқ, маънавий баркамоллик, тўғрилиқ, ҳалоллик тўғрисида ҳам гапириб турилайлик.

Ҳадемай аудиторияларнинг эшиклари очилиб, ўқув юрти-рида истиқлол сабоқлари бошланади. Минг-минглаб йигит-қизлар шижоатга тўла орзулар қанотида истиқлолимиз қандай қўлга киритилгани, бу йўлда қандай курашлар боргани, қандай қурбонлар берилгани, бу илоҳий неъматни асраб-авайлаш, куч-қудратини мустақамлаш борасида олдиларида қандай масъулиятли вазифалар бормлиги хусусида устозларнинг сўзларини тинглайдилар. Орзу-умидларга тўла, ғайрат-шижоатли яна бир янги авлод илм уммонида баҳраманд бўла бошлайди. Бу йўлда уларга бахт ва омад тилаб қолаймиз.

Собир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси



Билагида қуввати, юрагида юрт меҳри тўла

Фахр

Партиядошимиз — шарқ яккакурашларининг 22 та олтин ва кумуш медаллари соҳиби Шерзод Абдуғаниев Пенчак силат бўйича Одессада ўтган жаҳон кубогида бош совринни қўлга киритди.

Бир қарашда эндигона 25 ёшни қаршилаган навқирон йигитнинг спортдаги дадил қадамлари, қўша-қўша мукофоту совринлари омадга ёки тақдирнинг сийлоғига ўхшаб кетади. Лекин жаҳоннинг нуфузли ареналарида минглаб томошабинлар спортчининг ҳар битта қадам ва шиддаткор ҳаракатларини олқишлаш учун тайёр турган бир маҳалда омадга ишонининг ўзи камлик қилади. Санокли вақт ичида майдонда голибликка лойиқлигини исботлаш учун мустаҳкам ирода, куч-ғайрат ва, албатта, орият зарур.

— Спорт мени ҳаётдаги мақсадларимга эришиш учун курашчанликка ўргатмоқда, — дейди шарқ яккакураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, биринчидан қора белбоғ соҳиби уругли Шерзод Абдуғаниев. — Спорт туфайли дунёнинг кўп мамлакатларини кўрдим. Ўзга юртларда ўз Ватанимнинг кадр-кимматини баланд тутиб, шунингдек, унинг улғушлини фарзандлик бурчим деб биламан.

Шерзод учун Одессада бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақалари осон кечмади. Шарқ яккакурашида аллақачон ном қозongan, ҳар қандай рақибини довдиратиб қўядиган қора белбоғ эгалари билан юзма-юз бўлишга тўғри келди. Аммо Шерзод номдорлар олдида саросимага тушмади.

Барча рақибларини бирин-кетин енгиб, 95 килограммлик вазн тоифасида Жаҳон кубогининг олтин медалига сазовор бўлди.

Иктидорли спортчимиз ўзининг бу галги ютуғини Ватанимизнинг Истиқлол байрами-га совғаси деб билмоқда. Бугун Уругтининг Чорраҳа маҳалласида яшовчи Фахриддин ака Абдуғаниев ўғли Шерзоднинг муваффақиятларидан жуда хурсанд. Устози Соҳибжон Шералиев эса ўғиллари беҳуда кетмай, ўзбек ўлони дунёга танилганидан, спортга энди тетапоё бўлиб келаятган ўсмир-ёшларга заҳматқаш, камтарин шогирди борлигини ибрат қилиб кўрсатишдан ўзини бахтиёр сезади.

— Партиядошларимиз орасида шундай истеъдод эгалари борлиги бизнинг ҳам ютуғимиз, — дейди «Адолат» СДП Уругтуман Кенгаши раиси Раббим Эсонов. — Бундан фойдаланиб Шерзод Абдуғаниев сингари вакилларимизни қишлоқ ёшлар ўртасида спортни янада кенг омаллаштиришга жалб этаймиз, учрашув, мулоқотларга қоралаямиз. Мақсад — Ватанимнинг истиқболига пешвоз ёшлар кўпайсин.

Суратда: Шерзод Абдуғаниев отаси Фахриддин ака ва 4 ёшли ўғли Нодиршоҳ билан.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Ижтимоий ҳамкорлик

ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим омили

Янги китоб

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» шиори ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, ислохотларнинг устувор йўналишига айланиб бормоқда.



Зеро, кучли фуқаролик жамияти, энг аввало, кучли фуқаролик жамияти институтларидан биридир. Шу сабабли ҳам юртимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да алоҳида таъкидланганидек: «Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг кабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади».

Дарҳақиқат, тараққиётнинг бугунги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаш-

тириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнида ҳал қилувчи омилдир.

Шундай шароитда, ўз-ўзини аён қилиш, ҳаётимизда тобора кенгроқ ишлатилаётган «Ижтимоий ҳамкорлик» атамасини янада чуқурроқ англаш, унинг мазмун-моҳиятини бохабар бўлиш эҳтиёжи ҳам кучайиб боради. Мана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, китобга таълиқ публичист, социология фанлари номзоди, Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод туман Кенгаши раиси Тошпўлат Матиевнинг ушбу мавзулар теран таҳлил этилган туркум мақолалари жамланган. Шунингдек, муаллифнинг Ватанимиз мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларга, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-марифий тараққиётнинг муҳим ва долзарб муаммоларига бағишланган ўткир чиқишлари ҳам тўғламдан жой олган.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Шоҳсупада — бизникилар!

Муносиб совға

Ўзбекистон шотокан каратэ-до Ассоcацияси аъзоси, шотокан каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпиони, бир неча халқаро мусобақа ва турнирлар голиби, Осиё чемпиони, катталар ўртасида ўтказилган IX жаҳон чемпионати олтин медали соҳиби, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зумрад Тазетдинова спорт туфайли Ўзбекистон доврўғини дунёга ёйишдек бахтга мушарраф бўлаётганидан беҳад мамнун.

— Биз ёшларнинг бахти, — дейди Зумрад, — мана шундай жаннатмонанд юртда, тинч-тотув замонда тўғилиб ўсганимизда, мамлакатимизда барча соҳалар қатори спортга алоҳида эътибор қаратилганидир. Бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимиз доврўғини жаҳонга таратсак, она юрт олдидаги бурчимизни адо этган бўламиз. Мен доимо беллашувларга отланаётганимда устозларимнинг меҳнатларини кўрсатишни, юрт номини бутун оламга ёйиш на-сиб этишини Яратгандан сўрайман. Ва бунга эришсам, дунёда мендан бахтли инсон бўлмайди ўша дамларда. Ахир спортчи учун энг катта ютуқ — юрт шарафини муносиб ҳимоя этиб, она халқи олдида ёруғ юз билан қайтишдир.

Ҳа, спортимизнинг ёруғ юл-

дузи Зумрад Тазетдинова ниятига яраша астойдил ҳар-кат қилди. Спортнинг у-шу тури билан шуғуллана бошлаганига эндигона ўн икки ёшда эди. У-шу бўйича дастлаб, шаҳар ва республика танловларида совринли ўринларни қўлга киритгани унинг спортга бўлган меҳрини янада ошириб, 2000 йилдан халқаро турнирларда ҳам қатнаша бошлади. 2003 йили Ўзбекистон терма жамоаси сафида Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтган Осиё чемпионати, Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳри меҳмонлик қилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларидаги иштироки унга совринли ўринларни ҳада этмаган бўлса-да, ўз устида пухта ишлаши, спорт сириларини мукамал ўрганиши кераклиги хусусида ўзига етарлича сабоқ олди.



2007 йилдан шотокан каратэ-до мусобақаларида ҳам иштирок эта бошлаган Зумрад Тазетдиновага энди чинакам омад кула бошлади. Тажрибали спорт устаси, 5-дан қора белбоғ соҳиби Ҳўжамкул Ҳўжакулов раҳбарлигида олиб борилган тинимсиз машғулотлар туфайли у совринли ўринларни қўлга кирига бошлади. Ўша йилнинг ўзидаяқ Ўзбекистон кубогида голибликка муносиб топилган ҳамюртимизга йил жуда омадли келди. Хусусан, Япония пойтахти Токиода дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан спортчилар иштирок этган ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой

олди. Мактабни тамомлаб, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейида ўқиб юрганда ҳам каратэ билан шуғулланишни давом эттирган Зумрад 2008 йили Ҳиндистонда ўтган халқаро турнирда, Руминия меҳмонлик қилган Европа очик чемпионатида, пойтахтимизда ташкил этилган Осиё чемпионатида кетма-кет совриндор бўлди.

— Зумрад Ассоcациясимизнинг фахри, — дейди Ўзбекистон шотокан каратэ-до Ассоcацияси президенти Бахтиёр Мирзакулов. — Унинг матонати, интилувчанлиги ҳақиқий спортчиго хос бўлган фазилатлардир. Шу боис унга доимо

Оққўрғон тумани «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ»

филиали жамоаси

юртдошларимизни
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

21 йиллиги

байрами билан
қизгин муборакбод этиб,
барчага руҳий
қўтаринкилик ва
хуш кайфият тилайди.

Ҳар бир хонадон
байрам шодиёналари
зиёсидан мунаввар
бўлсин!

Партиямиз сафи кенгаймоқда

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча ҳудудий кенгашилари томонидан Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини муносиб қутиб олишга, байрам арафасида кенг миқёсда тарғибот тадбирлари ва ободончилик ишларини ўнатиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Яқинда партиянинг Наманган вилояти Кенгаши фаоллари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирокида ташкил этилган сиёсий ўқув ҳам айти шу масалаларга бағишланди.

Унда «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» шiori остида ўтказилаётган қутлуғ айёмни қўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида вилоят Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режасига асосан барча шаҳар ва туман кенгашлари олдида турган вазибалар, уларнинг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

— Мустақиллик йилларида асрга татигулик ишлар амалга оширилди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши раиси Ҳамид Аҳмаджоёев. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва халқимизнинг турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани ҳамда барча жаҳалларда олиб борилаётган ислохотлар нуктадан тўғри эканлигини бутун дунё тан олмоқда. Бундай вазиятда биз партия фаоллари тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз, фуқароларимизнинг байрамона кайфиятини янада кўтариб, уларни янгидан-янги ғоялар, режалар сари руҳлантиришимиз лозим.

Ийгилишда байрам муносабати билан ўнатирилаётган тадбирлар режасини амалга оширишда «Еш адолатчилар» қаноти фаолларининг иштирокини кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шунингдек, белгиланган тадбирлар режасига мувофиқ Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари Наманган шаҳар кўп тармоқли марказий полик-

линкаси ва 3-маҳсус мактаб-гача таълим муассасаси ходимлари билан учрашув ўтказишди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари ҳам иштирок этиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, парламент қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларни мазмун-моҳияти, ҳозирда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари тўғрисида ва «Адолат» СДП фракцияси фаолияти ҳақида йиғилганларга маълумот беришди.

Таъкидланганидек, жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги, эришилаётган ютуқлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам иштирокчиларга қонун ижодкорлари ва партия ходимлари томонидан етказилмоқда. Шунингдек, партия устави ва сайловолди дастури ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги тадбирлар режасида кўп миқдордаги муносабати билан ўтказилаётган шу каби учрашуларда партиямиз сафида 115 нафар янги аъзолар қабул қилинганлиги фикримиз исботидир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот хизмати



XALQ BANKI

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
жамоаси барча юртдошларимизни

Истиқлолимизнинг 21 йиллиги
билан табриклайди!

Байрам муносабати билан Сиз азизларга янги «Болажонга мадад»
жамғарма ҳамда «Оила манфаати» муддатли омонатларини
таклиф этади.

Омонатларга маблағлар банкнинг филиаллари томонидан
миллий валютада чекланмаган миқдорда нақд ва нақд пулсиз шаклда
қабул қилинади.

Маблағларингизни мазкур омонатларда сақлаб
даромад олинг, имкониятни қўлдан бой берманг!



Доим Сиз билан бирга

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий
газета



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмол САЙФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА,
Светлана ОРТИКОВА, Икбал МИРЗО, Мамазор
ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ,
Мухаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан
ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Тахририят манзили: 100000,
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 900. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адади — 6449.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 02.45

1 2 4 5

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва
парламент фаолияти бўлими — 288-46-54;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва
шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;
Қўлбухона — 288-42-23; 288-46-64 (факс);
Котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Абдуқомил ЙЎЛДОШЕВ.
Навбатчи — Ғулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати
билан амалга оширилади.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

9772091521009

Қонуний фаолиятнинг муҳим гарови

Солиқ тизими

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юридик ва жисмоний шахслар томонидан товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишда нақд пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга қаратилгандир.

Мазкур қарор билан тасдиқланган низом фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини (НҚМ) ҳўжалик юритувчи субъект томонидан қўллаш тартибини белгилайди. Ушбу низомда, шунингдек, фаолияти хусусиятига кўра, пуллик ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган НҚМни қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар айрим тоифаларининг аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобини ҳисобга олиш тартиби, касса операцияларини юритиш, НҚМга техник хизмат кўрсатувчиларга қўлланиладиган алоҳида талаблар ҳам ўз аксини топган. Шунга мувофиқ, давлат реестрига киритилмаган НҚМ ва уларнинг дастурий маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш мумкин эмас. НҚМ аккредитация қилинган сертификация бўйича мажбурий тартибда сертификатланиши ва ҳўжалик фаолияти амалга ошириладиган жой бўйича туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, сертификацияга эга бўлмаган ва белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган ҳамда солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилмаган НҚМдан фойдаланилса, айбдор шахслар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар жавобгарликка тортилади.

Иккинчи ҳўжат «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг давлат реестрини юритиш тўғрисида»ги низом деб юритилди. У НҚМни давлат реестрига киритиш ва ундан чиқариш тартибини белгилайди.

Бундан ташқари, пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланишини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Қарорда аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиш шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари рўйхати белгилаб берилган.

Эътибор бериш жоизки, рўйхатга киритилган ҳўжалик субъектларининг тўлов терминаллари билан таъминлаш ва улардан фойдаланишга оид талабларга риоя қилмаслиги савдо ва хизмат қўдаларини бузишга тенглаштирилади ҳамда уларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, белгиланган тартиб ва қўдаларга риоя этиб савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш қонуний фаолиятнинг муҳим гаровидир.

Х.ТўЛАГАНОВ,
Юнусобод тумани ДСИ
бўлим бошлиғи

Имтиёзлар самараси

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи соҳалардан бирига айланган. Айни пайтда соҳа фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган ҳуқуқий асослар, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини янада кўпайтириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга доир кенг имконият ва қўлайликлар бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони жойларда янги ишлаб чиқариш тармоқларини ишга тушириш, аксарият корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун янада кенгрок имкон туғдирмоқда. Жумладан, мазкур Фармонга биноан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар асосий фаолияти бўйича фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови ҳамда республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Бундай имтиёз ва қўлайликлар самараси ўлароқ, Сурхондарё вилоятида ҳам бир неча янги ишлаб чиқариш тармоқлари ўз фаолиятини йўлга қўйди. Шунингдек, мавжуд саноат корхоналарини технологик янгилаш ва модернизациялаш туфайли сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлашга эришилмоқда. Масалан, Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс» қўшма корхонасида ҳам янги технологиялар ўрнатилиб, экспортчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти кенгайтирилди. Бунинг учун корхонага 3 миллион евродан кўпроқ миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция

йўналтирилди. Сифатли ҳамда рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошганлиги эвазига иқтисодий самарадорлик ҳам юқори бўлмоқда. Хусусан, корхонада жорий йилда қиймати 5 миллиард 232 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 4 миллиард 477 миллион 952 минг сўмлик ёки 85,5 фоиз тайёр маҳсулот, асосан, Қозғистон, Молдова, Украина, Польша ва Эрон сингари хорижий давлатларга экспорт қилинди.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган Фармонга асосан жорий йилнинг 1 июль ҳолатида корхонага солиқ тўловлардан қарийб 174 миллион 333 минг сўмлик имтиёз қўлланилди. Бу маблағ эса корхонанинг моддий базасини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга сарфланиши қўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибор мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, жамият раванқини таъминлаш ҳамда халқимиз фаровонлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Илбс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят ДСБ
ахборот хизмати бошлиғи

Pharmed sanoat

хусусий корхонаси жамоаси



Юксалиш ва тараққиёт йўлида шахдам қадамлар билан
одимлаётган мамлакатимиз халқини бағрамиз улуғ азиз айём —

Мустақиллигининг 21 йиллиги билан

ини дилдан муборакбод этади.

*Ҳеҳ бир хонадонни тинчлик-тотувлик,
хотиржамлик, файзу бағрака тарқ этмасин!*

*Ватанимиз тарихидаги энг улуғ
кун асрлар мобайнида қадрли ва ардоқли
байрам бўлиб қолсин!*



Жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини,
барча мулкдору тadbиркорларни
Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги
байрами муносабати билан табриқлайди.
Шу шодиёна кунларда меҳнатсевар халқимизга
сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик,
эзгу ва хайрли ишларида омад тилайди.

ОАТ Туронбанк республикамизнинг барча вилоят шаҳар ва туманларидаги 17 та филиал ва 30 та минибанклари орқали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек аҳоли омонатларини банкка жалб қилиш мақсадида 16 турдан ортиқ омонатларни, халқаро пул ўтказмаларини ва барча турдаги банк хизматларини амалга оширмоқда. Мазкур филиал ва минибанклар зарур ускуналар ва энг янги банк технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, mijozларга намунали хизмат кўрсатиш учун қўлай шароитлар яратилган.
"Anhor-Reyting" PA "Туронбанк"нинг рейтингини "UzB++" даражасида "Иқобий" прогнози билан тасдиқлади.

Республикамизда биринчи бўлиб Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 42-уйда ОАТ Туронбанк ва "Western Union" Компанияси билан биргаликда янги махсус "Western Union" халқаро пул ўтказмалари шаҳобчаси ўз иш фаолиятини бошлади. Мазкур шаҳобчада mijozларга "Western Union" халқаро пул ўтказмалари хизмати билан биргаликда «Coinstar», «CONTACT», «Быстрая почта», «BLIZKO», «Золотая Корона», «MIGOM», «ЮНИСТРИМ» халқаро пул ўтказмалари орқали ҳам хизматлар кўрсатилади.
Тел: (+99871) 244-27-88
Тел: (+99895) 144-60-00

21

*Буюк ва Муқаддасан,
Мустақил Ватан!*



“Ёғ-мой озиқ-овқат саноати корхоналари” уюшмаси

“ҚЎҚОНЁҒ-МОЙ” ОАЖ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини, деҳқон-
фермерларни, ўз акциядорлари
Ва ҳамкорларини халқимизнинг
энг улуғ Ва энг азиз айёми —

**Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 21 йиллик**

байрами билан чин кўнгилдан
самимий муборакбод этади.

Ниятлари пок, дили эзгуликка
ҳамроҳ элимизнинг толеи мангу
баланд, турмуши фаровон, дастурхони
тўкин бўлишини тилаб қолади.